IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341

VOL – 1 ,ISSUE – 2
https://wordlyknowledge.uz/

УДК:71.03

С.Б. АТОШОВ
Мустақил тадқиқотчи (PhD) (УрДУ)

ИЧАН ҚАЛЪА ЖУМА МАСЖИДИ

Аннотация: *Ушбу мақолада Хоразм вилояти ҳудудидаги Ичан қалъа меъморий-қўриқҳона ёдгорлигидаги Жума масжидининг архитектураси, меъморий тузилиши ва қурилиш технологияси бўйича сўз боради.*

Аннотация: *В данной статье речь пойдет об архитектуре, архитектурном устройстве и технологии строительства Джума мечети в архитектурно-заповедном памятнике Ичан-кала на территории Хорезмской области.*

Annotation: *this article will talk about the architecture, architectural structure and construction technology of the Juma Mosque in the Ichan fortress architectural and reserve monument on the territory of the Khorezm region.*

Калит сўзлар: *Ичан қалъа, Тош дарвоза, Ота дарвоза, Боғча дарвоза, Полвон дарвоза, устун, тўсин, ганчкорлик.*

Ключевые слова*: Ичанский замок, каменные ворота, родительские ворота, Садовые ворота, борцовские ворота, столб, балка, ганч.*

Keywords: *Ichan Castle, stone gate, father Gate, Garden Gate, Polvon gate, column, fence, ganchlik.*


КИРИШ: Хоразм вилояти Ўрта Осиёнинг қадимий минтақаларидан бири, Амударё чап соҳилида жойлашган, қадимий давлат ҳисобланади. Ушбу ҳудуд қадимдан ирригациял, деҳқончилик, ҳунармандлик ва савдо минтақаси ҳисобланади. Қадимдан Хоразм вилояти ҳудуди орқали Буюк Ипак йўли ўтганлиги тарихдан бизга маълумдир.

“Хоразм” номининг семантикаси ҳақида бир қанча фикрлар мавжуд. Шулардан Хоразм тарихининг билимдони С.П. Толстов “Хоразм” номи талқинлари орасида “Қуёшли ўлка”, “Қуёшли ер” деб аталиши ҳақиқатга энг яқин этнонимдир деб

таъкидласада, Хоразмни “Хварри ёки Харри (Хуррий) халқи ватани”, “Қуёш (халқи) замини” деб изоҳлайди. Суғдшунос олим М. Н. Боголюбовнинг фикрича, Хоразм алоҳида 3 та сўздан таркиб топган. Ху (Хуш, Хаш), вар (вара) ва зм (зим, зем). Эроний тилларда Ху - "яхши" „маъқул“, вар (вара) - “девор”, “марза”, “фоб”, “қалъа”, “қўра” деган маъноларни билдирган. Зм (зим, зем) эса — “замин”, “ҳудуд”, “диёр”, “мамлакат” каби маъноларни англатган[1].

Асосий қисм:

ЖУМА МАСЖИДИ: Хива жума масжиди - Хива (Хоразм)даги меъморий ёдгорлик (10—18-асрлар). Ичан қалъанинг марказий қисмида Ота дарвоза ва Полвон



дарвозаларнн бирлаштирувчи кўчада жойлашган. Масжид ҳакидаги илк маълумот 10-асрда Хоразмга келган араб сайёҳлари ал-Муқаддасий (Мақдисий) ва ал-Истахрий ёзмаларида учрайди. Манбаларга кўра, Жума масжидининг дастлабки биноси бузилиб кетган ва ўрнига Абдураҳмон Меҳтар буйруғига биноан худди шу усулда каттароқ янги масжид қурилган (1788). Масжид ўзига хос тархи ва ҳажми билан ажралиб турган. Масжид бир қаватли бўлиб, атрофи ғиштдан девор билан ўралган. Унинг бошқа масжидлардан фарқи қадимги араб меъморлигига хос услубда (ёпиқ, кўп устунли ҳамда ҳовлисиз қилиб) қурилганлигидадир. Унда айвонлар билан ўралган ҳовли ҳам, улкан пештоқ ҳам, гумбазли хоналар ҳам йуқ. Хонақоҳ ичи шипдаги икки туйнук орқали ёритилади. Томи ясси, тўсинли, шипини 213 устун кўтариб туради. Устунлар 17 қаторли, оралиғи 3,15×3,15 м. Меҳроби жанубий девор марказида жойлашган. Ташқи деворлари оддий, безакларсиз ишланган. Бош тарзидаги эшик ёғоч ўймакорлигида ишланган ноёб намуна ҳисобланади. Ички безаклари содда

[1] https://uz.wikipedia.org/wiki/Xorazm

ганч сувоқ қилинган. Меҳроб равоғида ироқи муқарнас ва кўк рангли бўяма нақш (18-асрга оид) сақланган. Устунлар масжид тузилишининг асосини ташкил этиш билан бирга унинг бадиий безаги ҳамдир. Улар ўзига хос мутаносиблик ва кўринишга эга. 213 устундан 10-14-асрларга оид 25 устун энг қадимгиси бўлиб, тузилишида бир қанча услуб намуналари бор. 10-11-асрларга оид 4 устун чуқур бўртма нақшли, куфий хати ислимий нақш билан уйғунлашган. Унда фақиҳ Абул Фадал Муҳаммад Лайси фармони билан қурилгани ёзилган. 11-12-асрларга оид 17та устун нисбатан саёз ўйилган, ундаги ҳандасий нақшлар оралиғи услублаштирилган, наботий шакллар билан тўлдирилган, ёзувлари куфий хатида битилган (яхши сақланмаган). 15-асрга оид 3 устун ислимий, гириҳ нақшлар ва насх хатида ҳошия қилиб терилган. Бу услубдаги ўймакорлик безаклари меҳроб яқинидаги ёғоч тахтачаларда ва эшик табақаларида учрайди. Устунларнинг бирида мил. 1510 й. сақланган(2-расм). Улар меҳроб яқинидаги мармар тахталар билан бир вақтда ўрнатилган бўлиши мумкин. Кичик мармар тахтада 1666 й., иккинчи мармар тахта ёзувидаги вақфномада вазир Абдураҳмон амри билан Қуюқтом ва Бекобод қишлоқларида масжидга вақф ерлари ажратилганлиги ва даромадни хайр-еҳсонга ҳамда масжид заруриятига сарф қилиш лозимлиги ёзилган (1788—89). Қолган устунлар Хоразмдаги турли бинолардан йиғиб келтирилган. Узунлари масжид қурилишига мослаб қирқилган, калтароқлари мурабба шаклдаги тош пойустун устига кўзаги ва каллаклар ишланиб ўрнатилган(3-4-расмлар). Ҳамма устунлар муайян мужассамот асосида жойлаштирилган. Масжид ёнидаги минора 17-асрда қулаб тушган, 18-асрда майда пишиқ ғиштдан қайта тикланган.



Минора юқорига томон ингичкалашиб боради. Тепасига шарафа ва ғиштдан дандана хошия белбоғлар ишланган. Жума масжиди бир неча бор таъмирланган. Охирги таъмири 1990 йилда Хиванинг 2500 йиллиги арафасида бажарилган.

Умумий ўлчамлари: масжид — 55×46 м, минора бал. 42 м.

Масжид:- Оллоҳнинг уйи, XI асрдан бошлаб

алоҳида-алоҳида тадбирлар учун фойдаланила бошланган. Баъзилари йилда икки марта бўладиган улуғ айём «Қурбон» ва «Рўза» ҳайити кунларида бутун юртдан йиғилиб келган бутун бир оломоннинг намоз ўқишига мўлжалланган бўлиб, бунинг учун шаҳар ташқарасидан махсус жой ажратилган. Бундай масжидлар фронтал композицияга эга бўлиб, ҳовлиси ҳеч қандай тўсиқ билан ўраб олинмаган:- бинонинг бундай қуришдан мақсад номозхонларнинг Маккага қараб сажда қилдириш бўлган. Хоразмда эса ҳамма меҳроблар деворнинг жанубий қисмидан жой олган. Стандарт композициядаги масжид Хивада сақланмаган, фақат Ҳазорасп туманида «Номозгоҳ» деб аталувчи Исмоил Эшонбобо мажмуасидаги масжид бор, холос. Бироқ у уч қуббали галерея кўринишидаги бир томони айвонга чиқиладиган кенг гумбазли зал, яъни маҳалла масжиди типида қурилган. Бошқа Жомеъ масжидлари ҳафтада бир марта “жума” кунлари шаҳар аҳлининг йиғилиб намоз ўқишига мўлжаллангандир, уларнинг меъморчилик тузилиши кўпроқ бўйлама йўналишидаги асосий бино ва периметр бўйича тушган галерея формасини олган.

Хоразмда бу ҳилдаги масжид сақланиб қолмаган. Бироқ тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, улар X асрда Қиётда, XII асрда Гурганчда (ҳозирги Кўҳна Урганч) мавжуд бўлган. Хонқа туманидаги Сайид ота масжидининг нақшинкор дарвозаларига масжид 1749 йилда қурилгани ва шаҳарга асос солингани ҳақида маълумотлари ёзилган,- бу масжиднинг гир атрофи ёғоч айвон билан қуршаб олинган баҳаво ҳовлили мураккаб манзарага эга мажмуадир. Исломнинг дастлабки асрларида масжидлар фақат намоз ўқишга мўлжалланган эди, бу-инсон ҳаётининг барча даврлари турли туман расм-русумлар билан муқаддаслаштириладиган халқ уйи бўлган, бу нарса аҳоли яшайдиган жойлар ва бозорларнинг гавжум жойларида қурилган маҳалла масжидларида сақланиб қолган, уларнинг формалари бир-биридан кескин фарқ қилади, бироқ шунга қарамай, улар ягона композиция типига эга бўлиб қолган:- бу олди айвон билан беркитилган кичик залли бинодир. Намоз ўқиладиган зал гумбазли бўлиши мумкин, айвон эса қуббадор пештоқли галерея кўринишидаги башанг монументал тусда ёки тепасини тўғри устунларга ясси тўсинлар қўйиб ёпилган зал айвон билан

қуршалган бўлиб, жанубий томондан, Хоразмда ва қисман Хивада, ташқарига ҳеч қандай туйник очилмаган, чунки унинг ичкари қисмида меҳроб ўрнатилган, бу нарса Хива масжидларида бармоқ билан санарли бўлиб, қуйида қайд этилганларидан баъзиларидагина учрайди.

Устунли айвони бўлган гумбазли зал Сайид Аловиддин мақбараси биқинидаги Ёрмуҳаммад девон (ёки Сайид-ота) масжиди ва Ичан Қалъанинг жанубий қисмидаги Боғбонли масжиди, Абдолбобо ва Матризо қушбеги масжидларининг ҳам шифти тўсинлар билан ёпилган. Залнинг уч томони айвон билан ўралган масжид-бу Оқ масжиддир. Хивадаги маҳалла масжидларининг олдида узун ҳовлиси бўлиб, масжиднинг баланд айвони шунга қараган ва қарши томонда унга юзма-юз қилиб дарвозахона айвони ёки терс айвон қад кўтарган. Бу ерда асбоб-анжом турадиган қазноқ ва таҳоратхона бўлган.

Хиванинг Жомеъ (Жума) масжиди ўрта асрларда шаҳарнинг кўзга кўринган биноларидан бири бўлиб, ўзига хос қурилиши ва ҳажми билан ажралиб турган. Бу ёдгорлик Хоразмнинг қадимги масжидларни эслатади. Анча катта 55х46 метрли майдонни эгаллаб, кўп устунли қилиб қурилган. Бу бино «Ичан-Қалъа»нинг шарқий ва ғарбий дарвозаларини улаган катта кўча ёқасида жойлашган. X асрда Хоразмга келган араб сайёҳи ал-Мақдисий Хиванинг Жума масжидини биринчи марта тилга олади. Бироқ кўпдан бери яшаб келаётган хиваликларнинг айтишларига қараганда кўҳна масжид бузилиб кетган ва унинг ўрнига 1788 йили худди ўша режа асосида анча кенгайтириб ҳозирги масжид бино қилинган. Масжид биносининг ташқи кўриниши жуда содда, баландлиги 4,5 метр, минорасининг баландлиги эса 42 метрга тенг. Масжидни дарвозаси шимолга қаратиб қурилган бўлиб, шимолдан эсган шамол масжид ўртасида очилган иккита каттагина туйникдан чиқиб кетган. Туйник пастида қадимда балҳи тутлар ўсган, бу шу даврда масжид ичидаги ҳавони тозалаб туришга каттагина ёрдам берган, бу ерда ота-боболаримиз табиат билан инсон ўртасидаги биосинтезни уйғунлаштирганлар, ҳамда қадимда кўпчилик биноларнинг ичига тут дарахти экилган, биласиз тут дарахти сувни кам талаб қилади, яъни ўқ илдизлари

орқали сувни ўзи топиб олади. Бу билан аждодларимиз меъморий иншоотни буст-бутунлигича сақлашга катта эътибор беришган, яъни тут дарахти бино ичидаги ва теварагидаги намликни олиб мувозанатни сақлаган. Ҳозирги вақтда ҳам қадимги бинолар ўртасида жойлашган экин экиладиган ерга тут дарахтлари экилса қадимги обидаларимизнинг умрини узайтирган бўлардик. Жума масжид бир қаватли текис томли иморат бўлиб, унинг тўсинли шипини 3,15 х 3,15 метр тартибда жойлашган 213 устун кўтариб туради. Масжиднинг меҳроби хонанинг жанубий деворида жойлашган. Меҳроб, одатдагидек алоҳида кўриниб туриши учун унинг ёнларига баланд токчалар ишланган бўлиб, шифти эса баландроқ қилиб қурилган. Меҳроб қуббасидаги содда ганчкорлик безаклар ва шу безак яқинидаги деворга ишланган ранг-баранг очилган гулсафсар ва наъматакни тасвир этувчи нақшлар XVIII аср охири ва XX асрларда ишланган. Меҳробнинг икки ёнидаги деворларига ўрнатилган мармар тошларга ўймакор хатлар битилган, хатларнинг бири ҳижрий сана 1203 (1788-89йй) масжид мулки ва маблағ ҳадя этилиши муносабати билан тузилган вақфнома битилган. Унда айтилишича, вазир Абдураҳмон амри билан 1203 ҳижрий йилда Куюктом (Гўктом,-ҳозирги Қўшкўпир туманидаги қишлоқ) ва Бекобод қишлоқларида масжидга вақф ерлари ажратилганлиги ва даромадни хайр-эҳсонга ҳамда масжид заруриятига сарф қилиш ҳақидаги хабарлар бор. Иккинчи мармар тахта бир оз кичик бўлиб, унга 1080 йил ҳижрий (яъни 1666 йили) ни кўрсатувчи тарих ёзилган.

Аҳоли орасида масжид XVIII-асрнинг оҳирларида таъмир қилинган деган фикр мавжуд. Жанубий фасаддаги ўймакор эшикка битилган хатда ҳам шу хақда айтилган. Унда 1788-89 йилларда Абдураҳмон Меҳтар исмли шахс бошчилигида масжид таъмирланди дейилган. Масжидда қадимги нақшинкор устунлардан 15 таси сақланиб қолган, 8 та устун Тошкентда Ўзбекистон Халқлари тарихи музейида сақланмоқда. Қадимшунос олим Яхё Ғуломовнинг фикрича, - “бу устунларнинг баъзилари бутун Ўзбекистонда ёғочга ўйма нақш солиш санъатининг энг қадимги ёдгорлигидир”. Энг қадимги устунларда кўзаги (устун таги) шапалоқ баргларга эга, танасининг юқори қисми мунтазам рахли, ўртасига эса гир айлантириб хатти куфий ёзуви ёзилган.

Шакллар чуқур ўйиб ишланган. XIV аср устунларида эса нақшлар кўп бўлиб, ёзувлар хатти насхда берилган. Бу услубдаги ўймакорликни мехроб яқинидаги ёғоч тахтачаларда ва эшик табақаларида кўрамиз. Яна масжидда қадимгиларга тақлид қилиб ишланган бир неча устунлар ҳам бор.



Уларнинг бирида 1510 йилни кўрсатувчи сана сақланиб қолган. Бошқасида ҳеч қандай ёзув йўқ. Балки улар мехроб яқинидаги мармар тахталар билан бир вақтда ўрнатилган бўлиши мумкин. Бу нодир ёдгорликни 1979 йили меъмор Сенечкин лойиҳаси асосида таъмирлаш бошланди. Жума масжидини 108 та устуни 1983 йили аҳолидан сотиб олинган. XVIII-XX аср бошларига оид нақшинкор устунлар билан алмаштирилган. Масжидда Кўҳна Урганч, Измиқшир ва Хива ёғоч ўймакорлик мактабининг устунлари бор. Ривоят қилишларига кўра масжид ичида гўёки ёвойи ғўзапоядан ишланган устун бор эмиш, ҳақиқатда масжид ичида ҳеч қандай ғўзапоя дарахтидан бўлган устун йўқ, бу нарса амалда мумкин эмас, чунки ғўзапоя дарахтини танаси кавак бўлиб оғир юк кўтаришга ярамайди. 1996-1997 йилларда Жума масжиди таъмирланди ва кўпчилик устунлар яна алмаштирилди.

Масжид ўртасида кичик гумбаз остида калций-корбанат (оҳактош) дан ишланган қозон жойлашган, қозонга солинган сув маълум вақтдан кейин илиқ ҳолга келади, бу мўжизани сирини шу даврда маълум бир одамлар билган. Аҳолини ҳайратга солиш мақсадида қилинган бу иш Ислом динининг мавқеини омма ўртасида янада





оширган.

(4-расм) **(5-расм)**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” 1-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”. 2017.592 б.
2. Маматмусаев Тоҳир Шайдулович. “Ўзбекистон тарихий шахарларининг шаклланиши ва ривожланиши (DSc) Тошкент-2019
3. Бирлашган бошкарув режаси 2017-2022 Ичан Қалъа, Умумжаҳон маданий мероси
4. Дурдиева Г.С “Маъруза шаклидаги архитектура бўйича фан доктори диссертацияси” (DSc) Тошкент 2017 йил
5. Аташев, С. Б. (2022). ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИМИЗ МУҲОФАЗАСИ. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, *2*(4), 105-108.
6. Ibadullaev, I. R., & Atoshov, S. B. (2019). The Effects of Colors on The Human Mind in The Interior Design. *Indonesian Journal of Innovation Studies*, *7*.
7. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, *26*(2), 40-44.
8. Adilov, Z. (2021, June). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION. In *Конференции*.

9. Адилов, З. Р., & Болгабоев, Д. (2021). РЕСТАВРАЦИЯ И СОХРАНЕНИЕ СУЩЕСТВУЮЩИХ ИСТОРИЧЕСКО-АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ-ОСНОВА РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА. *Вестник Науки и Творчества*, (11 (71)), 38-44.
10. Ravshanovich, A. Z. (2021). Namangan Historical Architectural Monuments. *Design Engineering*, 6940-6945.
11. Адилов, З. Р., & Рахмонбердиев, С. (2021). НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Вестник Науки и Творчества*, (11 (71)), 34-37.
12. Адилов, З. Р. (2021). ЗАЩИТА КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ СОКРОВИЩА НАШЕГО НАРОДА-ОСНОВА НАШИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ. In *НАУКА И ПРОСВЕЩЕНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ* (pp. 249-252).
13. Адилов, З. Р. (2022). ЁШЛАРГА МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. *ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРДА ИННОВАЦИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, *2*(4), 124-130.
14. Adilov, Z. R. (2022). Peculiarities of Construction Drawings. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, *2*(4), 227-230.
15. Адилов, З. Р. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ АСРАШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ АСОСИДИР. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 69-73.
16. Адилов, З. Р. (2022). URBAN PLANNING OF THE CITIES OF NAMANGAN REGION. *Science and Innovation*, *1*(6), 259-264.
17. Adilov, Z. (2021, August). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION: https://doi. org/10.47100/conferences. v1i1. 1224. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
18. Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., Адилов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРНИНГ

ИННОВАТЦИОН АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Journal of new century innovations*, *19*(2), 169-175.

19. Адилов, З. Р., Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., & Раҳимова, Г. Э. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ХЎЖА АМИН МАҚБАРАСИ. *Journal of new century innovations*, *19*(2), 152-160.
20. Дедеханов, Б., Қосимов, И. М., Адилов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМГИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ РОЛИ. *Journal of new century innovations*, *19*(2), 176-185.
21. Adilov, Z. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИГИ. Science and innovation, 1(C6), 259-264
22. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, *7*, 72-76.
23. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, *2*(4), 271-275.
24. Раззаков, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.
25. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, *1*(C6), 278-284.
26. Арифжанов, А. М., Фатхуллаев, А. М., Самиев, Л. Н., & Косимов, И. (2015). Установившееся неравномерное движение взвесенесущего потока в верхнем бьефе гидроузла. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (5-2), 204-207.

27. Maribovich, Q. I. (2022). Scientific Proposals for Architectural Improvement of Engineering Centers. *Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science*, *1*(6), 59-63.
28. Хасанов, А. Н., Аббасова, Р. К., & Маърибович, Қ. И. (2022). КАСБ ҲУНАР МАЖМУАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА). *Journal of new century innovations*, *19*(1), 198-204.
29. Rahimova, G., Dedaxanov, B., Adilov, Z., & Qosimov, I. (2022). USE OF INNOVATIVE METHODS IN DEVELOPING PROFESSIONAL SKILLS OF STUDENTS. *Journal of new century innovations*, *19*(2), 161-168.
30. Ozodovich, H. A., Maribovich, Q. I., & Zarina, B. (2023). KASBGA YO'NALTIRISH MARKAZINI INNOVATSION LOYIHASI TAKLIFI "KIDZANIA JOB WORLD IN TASHKENT". *PEDAGOG*, *1*(5), 120-129.
31. Рахимова, Г., Илхом, Қ., & Дедаханов, Б. (2023). ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ. *Journal of new century innovations*, *21*(3), 33-40.
32. Хасанов, А. О., & Қосимов, И. М. (2023). ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРИНИ АРХИТЕКТУРА ТАКЛИФИ. *Journal of new century innovations*, *21*(1), 144-150.
33. Хасанов, А. О., & Қосимов, И. М. (2023). ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСБГА ЙЎНАЛТИШ МАРКАЗЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ. *Journal of new century innovations*, *21*(1), 136-143.
34. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, *2*(05), 772-781.
35. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automagistrale Way. *Solid State Technology*, *63*(6), 12674-12678.
36. Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the "Obod Mahalla" System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, *1*(5), 325-329.

37. Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, *3*(6), 295-299.

38. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.

39. Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, *2*(11), 74-77.

40. Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets onthe Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.

41. Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in bukhara traditional residential areas. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning*, *2*(11), 1-5.

42. Khasanov, A. O., & Allayarov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, *3*(01), 58-64.

43. Matjanov, O. K., Xasanov, A. A., & Boltabayev, P. L. Y. (2022, August). ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSION MARKAZLARNI LOYIHALASH VA QURISHNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATLI TALABLARI VA QONUNIYATLARINI SHAKLLLANTIRISH. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 7, pp. 36-39).

44. Matjanov, O. K., Xasanov, A. A., & Boltabayev, P. L. Y. (2022). ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSION MARKAZLAR ARXITEKTURASINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISH AN'ANALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(5-2), 214-217.

45. Xasanov, A. A., Ro'Zmetov, Q. S., Duschanov, S. S., & Duschanov, R. D. O. G. L. (2022). YUSUF HAMADONIY ZIYORATGOHIDA ZIYORAT VA DAVOLANUVCHILAR UCHUN KICHIK EKOTURISTIK

MEHMONXONALARNING ORNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *2*(5-2), 674-679.

46. Khasanov, A. CONTEMPORARY DESTINATIONS SERVICE AND CREATING A SYSTEM OF HISTORICAL CARAVAN ROUTES.
47. Мустафоев, Ш. Ш. (2022). VIII-XIII АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН МЕЬМОРИЙ БЕЗАКЛАРИДА ГИРИҲ ВА МУҚАРНАСЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. *Oriental Art and Culture*, *3*(3), 268-278.
48. Mustafoev, S. (2021). Traditional Modularity System in Uzbek and Persian Mimars: Construction of Muqarnas. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, *3*, 108-116.
49. Sh, M. S. (2021). CONSTRUCTION OF THE "GIRIH"-GEOMETRIC PATTERN. BASED ON "BUKHARA SCROLLS". *Вестник науки*, *1*(10 (43)), 4-13.
50. Sh, M. (2019). GEOMETRIC ANALYSIS OF GEOMETRIC PATTERNS (GIRIH) ON "DAFTAR". *Problems of Architecture and Construction*, *2*(3), 22-27.
51. Мустафоев, Ш. Ш. (2023). ТЭОРИЯ ПОСТРОЕНИЯ И СОСТАВЛЕНИЯ ГИРИХОВ–«ГИРИХСАЗИЙ». *Journal of new century innovations*, *21*(3), 41-55.
52. Mustafoev, S. HISTORICAL DEVELOPMENT AND CONSTITUENT ELEMENTS OF MUQARNAS IN THE ISLAMIC WORLD.
53. Mustafoev, S. (2021). Decoding geometric properties of muqarnas based on architectural scroll. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(12), 618-628.
54. Yusupova, M. (1997). L'évolution architecturale des couvents soufis à l'époque timouride et post-timouride. *Cahiers d'Asie centrale*, (3/4), 229-250.
55. Юсупова, М. А. (2000). Традиции архитектурного сада "чарбаг" в зодчестве Бухары XVI–XVIII вв. In *Средняя Азия. Археология. История. Культура. Материалы международной конференции. М* (pp. 247-251).
56. Юсупова, М. А. (2000). Бухарская школа зодчества XV-XVII вв.(особенности и динамика развития).

57.Yusupova, M. A. (2004). Dva etuda po istorii arhitekturı Uzbekistana, svyazannıh s evreyskoy diasporı. *Evreyi Sredney Azii,(Taşkent: İzdatel'stvo Fan Akademii Nauk, 2004)*.

58.Yusupova, M. (2012). Islamic architecture of Uzbekistan: Development and features. *Journal of Islamic Thought and Civilization*, *2*(2), 51-63.

59.Раупова, А., & Юсупова, М. А. (2022). К Изучению Особенностей Архитектуры Караван-Сарая Коба Города Шахрисабза. *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, *3*(7), 178-185.